

**ЗАФАР РЎЗИЕВ**

**ФУҚАРОЛАР  
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ  
ОРГАНЛАРИНИНГ  
ВАКОЛАТЛАРИ**

Тошкент – 2016

**ЗАФАР РЎЗИЕВ**

**ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ  
ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

*Монография*

**Тошкент–2016**

УДК: 347.12:323

67.401

Р 99

**Рўзиев, Зафар.**

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари / Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор Ш.И.Жалилов. – Тошкент: «Истиқлол нури», 2016. – 332 б.

**КБК 67.401**

**Масъул муҳаррир:** **Ш.И. Жалилов** – юридик фанлар доктори, профессор

**Тақризчилар:** **С.Б. Бобоқулов** – Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари директори, юридик фанлар доктори, профессор

**М.И. Сувонкулов** – юридик фанлар номзоди, доцент

**Ж.С. Иноғомов** - Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви раиси

Мазкур монографияда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари такомиллашувининг назарий-ҳуқуқий таҳлили, улар ваколатларининг конституциявий-ҳуқуқий таснифи, ушбу органларнинг ҳуқуқ-тартибот, экология ва жамоат назорати соҳаларидаги ваколатлари, шунингдек улар ваколатларига оид халқаро ва хорижий тажрибанинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари ўз аксини топган.

Монография тадқиқот ишларини олиб бораётган катта илмий ходим изланувчилар, мустақил изланувчилар, магистрлар, талабалар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан қизиқувчи кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4646-5-0

© З. Рўзиев,

© «Истиқлол нури», 2016 й.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	5
<b>ИБОБ. ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИ ТАКОМИЛЛА- ШУВИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ</b>	
1.1-§. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар ваколатлари тушунчаларининг умумий тавсифи....	8
1.2-§. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари такомиллашувининг тарихий ривожланиши ....	27
1.3-§. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари ривожланишининг замонавий босқичлари .....	46
<b>ИБОБ. ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАКОЛАТЛАРИ- НИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАСНИФИ</b>	
2.1-§. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий соҳадаги ваколатлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	69
2.2-§. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иқтисодий соҳадаги ваколатлари ва уларнинг ҳуқуқий таҳлили.....	83
2.3-§. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги ваколатлари.....	98
<b>Ш БОБ. ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШ- ҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ТАРТИ- БОТ, ЭКОЛОГИЯ ВА ЖАМОАТ НАЗОРАТИ СО- ҲАЛАРИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ</b>	
3.1-§. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ-тартибот, мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари .....	117
3.2-§. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экология, шаҳарсозлик ва коммунал соҳасидаги ваколатлари .....	139

3.3-§. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ваколатлари .....	153
---	-----

**IV БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ ҲАМДА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

4.1-§. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги халқаро стандартларнинг таҳлили .....	167
4.2-§. АҚШ, Лотин Америка ва айрим Европа мамлакатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари .....	189
4.3-§. Айрим Осиё, Араб ва Болтиқ бўйи мамлакатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари .....	210
4.4-§. МДХга аъзо мамлакатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари .....	224
4.5-§. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва улар ваколатларини кенгайтириш истиқболлари.....	243
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>256</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>274</b>
<b>ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР .....</b>	<b>308</b>

## КИРИШ

Мамлакатимизда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастури асосида жамиятни демократик ривожлантириш ҳамда янгилаш соҳасидаги стратегик вазифаларнинг муҳим йўналиши сифатида давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисмини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш ҳамда шу орқали уларнинг ролини ва ваколатларини янада кенгайтириш борасида муҳим чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини янада такомиллаштириш борасида дунёда ўхшаши бўлмаган бу бошқарув идорасига янги-янги имконият ва ваколатлар бериш [1.14; 279-б]; давлат ҳокимияти органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш жараёнини янада кучайтириш [1.17; 100-б]; ушбу органларнинг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш [1.20; 149-б]; маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш [1.21; 95-96-б]; уларга янги ваколат ва имкониятлар бериш [1.22; 133-134-б] каби муҳим ва устувор вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу устувор вазифаларни ҳал этиш мақсадида мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш, давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириш, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминлаш бўйича вазифа ва ваколатлари кенгайтирилди ва бугунги кунда илгари давлат ҳокимиятининг жойлардаги органлари ваколатида бўлган ўттиздан зиёд ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги вазифалар бевосита маҳаллалар ваколатига ўтказилди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан «Ўзбекистон: жамоатчилик фикри - 2015» мавзусида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари доирасида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган аҳолининг ишончи 2015 йилда 93,2%ни ташкил қилиб, бу 2014 йилга нисбатан 6%га, 2013 йилга нисбатан эса, 7,8%га юқорироқ бўлиб, ушбу кўрсаткич бошқа жамоат ва нодавлат тузилмаларга нисбатан энг юқори кўрсаткичдир. Шунингдек, ушбу марказ томонидан 2015 йилда «Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё» мавзусида ўтказилган ижтимоий сўровда қатнашган 1100 нафар фуқаронинг 63,2% маҳалланинг уларнинг оиласи ва ўз ҳаётидаги ўрнини жуда юқори баҳолаган [5.36].

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юкланган ваколатларини самарали амалга оширишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, давлат органларининг айрим ваколатларини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишнинг қонуний ва дастурий асосларини ишлаб чиқиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг назорат қилишга оид ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг давлат бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, уларнинг хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича ваколатларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш, ушбу соҳада уларга янги

ваколат ва имкониятлар бериш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммоларни ўз вақтида самарали ҳал қилиш зарурияти ҳам танланган мавзунинг долзарблигини асослайди.

Ушбу вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш учун соҳага оид норматив-ҳуқуқий база ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, бу соҳада қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга қаратилган илмий асослантирилган хулосалар ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда бу борада маҳсус тадқиқот олиб бориш муҳим вазифа ҳисобланади.

Китобхон ҳукмига ҳавола этилаётган мазкур монографияда асосий эътибор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини янада кенгайтириш, улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, шунингдек бу борадаги халқаро ва хорижий тажрибанинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилига қаратилади.

Монография катта илмий ходим изланувчилар, мустақил изланувчилар, магистрлар, талабалар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан қизиқувчи кенг жамоатчиликка мўлжалланган. Китоб юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилиб, кейинги нашрларда инобатга оламиз.



# **I БОБ. ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ НАЗАРИЙ- ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

## **1.1-§. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар ваколатлари тушунчаларининг умумий тавсифи**

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ миллий давлатчилигимиз тараққиёти йўлида ҳуқуқий демократик давлат куриш, фуқаролик жамиятини барпо қилишдек аниқ мақсад белгилаб олинган эди. Зеро, инсоният доимо демократик бошқарувга, фуқаролик жамиятига интилиб яшаб келмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Биз олдимизга фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини кўйганмиз. Фуқаролик жамиятини куриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутуди» [1.6].

Дарҳақиқат, мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, аввало ушбу органлар тушунчасини, шунингдек улар ваколатларининг назарий асосларини чуқур илмий таҳлил этган ҳолда уларнинг мазмун-моҳиятига аниқлик киритиш ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Таъкидлаш керакки, кўпгина хорижий мамлакатларда мавжуд турли шаклларда номоён бўладиган энг қуйи бўғинлар – маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари даражасида талқин этилади. Мамлакатимизда эса «маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари» тушунчаси илмий категория сифатида «фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш органлари» деб юритилади. Бундай номланиш бежиз эмас, албатта.

Ушбу тушунчаларнинг ўзаро фаркли жиҳатларини Франция давлатининг Тулуза университети профессори Мишель Салинас куйидагича ифодалайди: «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўтмиши ҳар бир мамлакатда ўзига хос бўлиб, бу Ўзбекистонда ўзгачадир. Шу маънода, юртингиздаги маҳалла тизимини мазмун-моҳиятига кўра ноёб, деб айтиш мумкин» [8.1]. Ушбу фикрларга ҳамоҳанг тарзда Нью-Йорк давлат университети профессори Парвиз Морвиж: «Ўзбек маҳалласи ноёб ҳисобланади, чунки у алоҳида шахслар, оилалар, жамоалар ва халқларни жамиятга бирлаштиради. Маҳалла алоҳида инсон, жамият ва давлат ўртасидаги боғловчи бўғин, улар бирдамлигининг воситасидир. Аънаналарга асосланган демократиянинг идеал тушунчаси ҳам айнан шундан иборатдир» [8.5], деган фикрни билдиради.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб таҳлил этадиган бўлсак, бизнинг миллий маҳалламиз каби бу бошқарув идораси дунёда ўхшаши йўқ. Зеро, бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди» [1.10; 157–158-б].

Бунинг амалий исботи тариқасида яна бир бор хорижий эксперт Япониянинг «Цукуба» университети проректори Сужинака Ютаканинг фикрига мурожаат қиладиган бўлсак, у шундай деди: «Биз Шарқ ва Ғарбдаги 13 мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини ўрганиб чиқдик. Тадқиқот натижалари ўзбек маҳалласи – бу бошқа мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш моделидан тубдан фарқ қиладиган ўзига хос ноёб миллий демократик институт эканини яна бир бор тасдиқлади. Маҳалла – бу жуда мустаҳкам ва барқарор тузилма. Маҳалла тажрибасини дунёда кенг қўллаш мақсадга мувофиқ бўлур эди» [8.5] – деган фикрни билдиради. Шундай бўлсада, ушбу ка-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1440> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1440> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1440>